

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

43-сон
(127)
2004 й.
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

451. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 660–II-сон Қонуни
452. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августдаги 661–II-сон қарори
453. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664–II-сон Қонуни
454. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августдаги 665–II-сон қарори

Учинчи бўлим

455. «Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини бартараф этишга доир фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида» Ўзбекис-

- тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 октябрдаги 498-сон қарори
456. «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарори
457. «Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган фойдаланишга топшириладиган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги 502-сон қарори

Бешинчи бўлим

458. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 2 октябрдаги 21/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 25 октябрда 1419-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 23 октябрдан 29 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

451 Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида

I. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини ёхуд пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмишдир.

Терроризмни молиялаштириш террорчилик фаолиятини пул маблағлари, моддий-техника воситалари ва бошқа воситалар билан таъминлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавfli қилмишдир.

II. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишни ташкил этиш

4-модда. **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

мажбурий назорат;
ички назорат;
пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш.

5-модда. **Мажбурий назорат**

Мажбурий назорат ушбу Қонунга мувофиқ тақдим этиладиган ахборот (ҳужжатлар) асосида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар устидан назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

6-модда. **Ички назорат**

Ички назорат пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятдир.

Ички назорат амалга ошириладиганда зарур ахборотни расмийлаштириш, унинг махфийлигини таъминлаш тартиби, кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга доир малака талаблари, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш мезонлари ва уларнинг аломатлари белгиланади.

Ички назорат қоидалари махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда белгиланади.

7-модда. **Идентификациялаш**

Идентификациялаш пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мажбурий назоратни амалга ошириш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни улар тақдим этган ҳужжатлар асосида аниқлашдир.

Идентификациялаш қуйидаги маълумотлар асосида амалга оширилади:

жисмоний шахсга нисбатан — фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, доимий ва вақтинчалик яшаш жойи, паспортининг (туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасининг) серияси ва тартиб рақами;

юридик шахсга нисбатан — фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияда унинг номидан иш кўрувчи жисмоний шахсни идентификациялашга оид маълумотлар.

8-модда. **Махсус ваколатли давлат органи**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.

9-модда. Махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Махсус ваколатли давлат органи:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи органларнинг ишини мувофиқлаштиради;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича ушбу Қонунга мувофиқ равишда олинadиган ахборотлар таҳлил қилинишини амалга оширади;

мажбурий назоратни амалга оширади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

етарлича асослар бўлган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади ҳамда шу билан бир вақтда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга ушбу Қонуннинг 13 ва 14-моддаларида кўрсатилган операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида кўрсатмалар йўллайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

10-модда. Махсус ваколатли давлат органи қарорларининг мажбурийлиги

Махсус ваколатли давлат органининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларига доир қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

III. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва уларни амалга оширувчи ташкилотлар

11-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар

Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан ўз мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашга, ўзгартириш ёхуд тугатишга қаратилган ҳаракатлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялардир.

12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари;
инвестиция фондлари, депозитарийлар ва бошқа турдаги инвестиция институтлари;
биржалар;
суғурталовчилар;
лизинг хизмати ёки бошқа молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар;
почта алоқаси ташкилотлари;
ломбардлар;
лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;
нотариал идоралар (нотариуслар).

13-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, агар уларнинг суммаси операция бажарилаётган кундаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса ҳамда қуйидаги турларда амалга оширилаётган бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак:

- иккита ёки ундан ортиқ ҳисобварақлар очиш;
- бир кунда ёки бир неча кун мобайнида одатдаги кўламга номувофиқ миқдорда операциялар бажариш;
- пул маблағларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобвараққа ўтказиш ва пул маблағларининг Ўзбекистон Республикасига эгасининг номи яширин ҳолда очилган ҳисобварақдан келиб тушиши;
- банк омонатларига пул маблағларини нақд ҳолда киритиш;
- пул маблағларини нақд ҳолда ҳисобварақдан олиш, ҳисобварақдан ўчириш ёки ҳисобвараққа киритиш, агар бу юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг хусусияти тақозоси бўлмаса;
- пул маблағларини жисмоний шахс тақдим қилувчига пул бериладиган ҳужжатлар бўйича олиши;
- жисмоний шахс қимматли қоғозларни нақд пулга олиши;
- жисмоний шахс юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) пул маблағларини нақд ҳолда киритиши;
- учинчи шахслар фойдасига омонат (депозит) очиб, унга пул маблағларини нақд ҳолда жойлаштириш;
- чет эл валютасини нақд пулга сотиб олиш ёки сотиш;
- бир қимматдаги банкнотни бошқа қимматдаги банкнотга алмаштириш;
- мол-мулкни сақлаш учун махсус хоналарни ёки уларда турган сейфларни ижарага олиш учун банк билан шартнома тузиш;
- кредит (заём) бериш ёки олиш;
- қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари ёки бошқа қимматли нарсаларни ломбардга қўйиш;
- суғурта шартномаси бўйича суғурта товони (суғурта пули) тўлаш ёки суғурта мукофоти олиш;
- лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйналганда ютуқ олиш.

14-модда. Алоҳида ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операциялар

Ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ белгиланганидан камроқ суммадаги пул маблағлари ёки мол-мулк билан боғлиқ операция, шу операциянинг тарафларидан бири:

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик ёки бошқа жиноий фаолиятни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёки ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, мажбурий назорат қилиниши керак.

15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагиларни бажаришлари шарт:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахсни идентификациялаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан икки иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган муддат ўтгач, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга киришаверади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар амалга оширилиши ҳақида шу операция бажарилиши лозим бўлган куннинг ўзида махсус ваколатли давлат органига ахборот (ҳужжатлар) тақдим этиш;

ўз ички назорат тизимини жорий этиш.

16-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бажаришни рад этиш

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно.

17-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ чет эл валютасидаги операция

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция чет эл валю-

тасида амалга ошириладиган бўлса, унинг миллий валютадаги миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

IV. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборот

18-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш, шунингдек пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларни террорчилик ёхуд бошқа жиноий фаолиятда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёхуд жисмоний шахслар ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. Маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаш

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ёки бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлашлари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг, махсус ваколатли давлат органининг ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органларнинг ходимлари юридик ва жисмоний шахсларни уларга нисбатан ўтказилаётган мажбурий назоратдан хабардор қилишга ҳақли эмас.

20-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни чеклаш ҳамда бундай ахборотни тарқатмаслик

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар, махсус ваколатли давлат органи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи бошқа органлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотдан эркин фойдаланишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклайдилар ҳамда бундай ахборотнинг тарқатилмаслигини таъминлайдилар.

21-модда. Идентификациялаш маълумотларини сақлаш

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар идентификациялаш маълумотларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақлашлари шарт.

V. Яқунловчи қоидалар**22-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

23-модда. Низоларни ҳал қилиш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

24-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
660-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

452 «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев):

қонунларни «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва

терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

ўз қарорларини «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
661-П-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

453 Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг (шумладан давлат мақсадли жамғармаларининг) ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси (бундан буён матнда Давлат бюджетининг ғазна ижроси деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари қасбнинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

4-модда. Давлат бюджетининг ғазна ижроси

Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

5-модда. Давлат бюджетининг газна ижроси муддатлари

Давлат бюджетининг газна ижроси молия йили мобайнида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган қўшимча вақт даврида амалга оширилади.

6-модда. Фазначилик

Давлат бюджетининг газна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда Фазначилик деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

7-модда. Фазначиликнинг асосий вазифалари

Фазначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат бюджетининг касса ижроси;

Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Давлат бюджети маблағларини бошқариш;

Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;

Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.

8-модда. Фазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари

Фазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда Фазначиликка қўмаклашишлари шарт.

Фазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг газна ижроси соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Фазначиликка тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар.

9-модда. Ғазначиликнинг банк ҳисобварақлари

Ягона ғазна ҳисобварағи Ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ғазначилик томонидан очилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва ўзга банкларда бошқа банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга.

Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

10-модда. Давлат бюджети даромадларини ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини ҳисобга киритиш

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ғазначиликнинг банкдаги валюта ҳисобварақларига киритилади.

11-модда. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

12-модда. Давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

13-модда. Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш

Маблағларни суднинг қарорига биноан ўтказиш, дотациялар ва ссудаларни ўтказиш ягона ғазна ҳисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларига Ғазначилик томонидан ўтказилади.

14-модда. Давлат бюджети маблағларини бошқариш

Фазначилик ягона фазна ҳисобварағидаги ва Фазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги Давлат бюджети маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

15-модда. Давлат бюджети фазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби

Давлат бюджети фазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Фазначилик томонидан, шунингдек давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети фазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади.

Давлат бюджети фазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

16-модда. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Фазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Фазначилик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар молия органларига тақдим этилади.

17-модда. Низоларни ҳал қилиш

Давлат бюджетининг фазна ижроси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

18-модда. Давлат бюджетининг фазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат бюджетининг фазна ижроси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
664-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

454 «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев):

қонунларни «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар киритсин;

ўз қарорларини «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 август,
665-II-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

455 Товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини бартараф этишга доир фаолиятни рағбатлантириш тўғрисида

Товарлар ва бойликларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини бартараф этишда чегара хизматлари ва божхона органларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, намуна кўрсатган ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг моддий рағбатлантирилишини таъминлаш, шунингдек чегара ва божхона постларининг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига Миллий хавфсизлик хизмати ҳузурида бюджетдан ташқари ягона Ижтимоий ривожлантириш ва товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали қонуний олиб ўтилишини таъминловчи ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил қилишга рухсат этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатиб ўтилган бюджетдан ташқари ягона Жамғарма маблағларидан Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ҳамда божхона органларининг товарлар ва мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилишини бартараф этишда бевосита қатнашувчи ҳарбий хизматчилари ва ходимларини рағбатлантиришда, шунингдек божхона ва чегара постларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда мақсадли фойдаланилади.

2. 2004 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши натижасида божхона органлари ва чегарачилар томонидан олиб қўйилган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган товарлар ёки бошқа бойликларни сотишдан олинган маблағларни тақсимлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

70 фоизи — давлат бюджетига;

20 фоизи — бюджетдан ташқари ягона Ижтимоий ривожлантириш ва товарларнинг чегара орқали қонуний олиб ўтилишини таъминловчи ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига.

3. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра давлат даромадига ўтказилган товарларни сотиш умумий суммасидан кўрсатиб ўтилган бюджетдан ташқари ягона Жамғармага тушадиган маблағлар тенг улушларда қайта тақсимланади:

Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасига — 10 фоиз;

Давлат божхона қўмитасига — 10 фоиз ҳамда тегишли субхисоб рақамларига ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2004 йил 1 ноябргача бўлган муд-

датда бюджетдан ташқари ягона Ижтимоий ривожлантириш ва товарларнинг чега-ра орқали қонуний олиб ўтилишини таъминловчи ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига маблағларни ўтказиш, уларни қайта тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа ман-фаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатлари-га ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазир-лар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 25 октябрь,
498-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

456 Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва дав-лат бюджетига тушумларни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишга оид қонун-чилик базасини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий ислохотларни амалга ошириш комиссиясининг:

2004 йил 1 ноябрдан бошлаб вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларнинг 1-иловага* мувофиқ айрим турларини бекор қилиш;

2004 йил 1 ноябрдан бошлаб вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлма-ган тўловлардан ажратмалар, маъмурий ва молиявий жазолар миқдорларини 2-ило-вага* мувофиқ белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2005 йилдан бошлаб бюджетдан ажратиладиган маблағ-лар ва бюджетдан ташқари махсус жамғармалар маблағлари ҳисобига таъминлана-диган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

* 1-2-иловалар берилмайди.

маблағлар сарфини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ амалга оширадilar;

йилнинг ҳар чорагида бюджет ташкилотлари учун белгиланган муддатларда кўрсатиб ўтилган маблағлардан фойдаланилиши тўғрисида Молия вазирлигига ҳисобот тақдим этадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментига Департамент томонидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бюджетга қўшимча равишда ҳисобланган суммалардан ажратмалар ва солиқ ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун молиявий жазолар ҳисобига 10 фоиз миқдорда бюджетдан ташқари махсус жамғарма ташкил этилишига рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда бюджетдан ташқари махсус жамғармага маблағлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқласин, ушбу маблағлар биринчи навбатда Департамент органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 25 октябрь,
499-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ов қилиш ва овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1991 йил 10 апрелдаги 95-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 4-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон ССЖ ҳудудида ов қилиш ва овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тўғрисида низомда:

26-банддаги «лицензияларни сотишдан» сўзларидан кейин «олинган маблағлар республика бюджетига ўтказилади» сўзлари қўшилсин ҳамда «(рухсатнома)» сўзи чиқариб ташлансин;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«27. Ёввойи ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш ёки улар билан коллекциялар-

ни тўлдириш учун уларни овлашга лицензия (рухсатнома)ларни сотишдан олинган маблағлар республика бюджетига ўтказилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 24 май 246-сон қарори билан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низомда:

5-банднинг иккинчи—еттинчи хатбоши «50 фоизи ҳисобига» сўзлари билан тугаллансин;

5-банднинг охири хатбошидаги «ундирилган жарималар суммасининг» сўзларидан кейин «50 фоизи» сўзлари қўшилсин;

8-банднинг учинчи хатбоши «50 фоизи ҳисобига» сўзлари билан тугаллансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш тўғрисида» 1993 йил 3 августдаги 385-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан чекланган миқдорда фойдаланиш бўйича Вақтинчалик тартибда 4-банд охири хатбошининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«жариманинг 50 фоизи республика бюджетига ўтказилади, қолган 50 фоизи эса — сув хўжалиги ташкилотларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 2-илованинг «Бож, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлардан олинган валюта тушумларининг тақсимланиши» жадвалида:

2 ва 3-бандлардаги «65» ва «35» рақамлари тегишли равишда «25» ва «75» рақамлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «15» ва «85» рақамлари тегишли равишда «10» ва «90» рақамлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «10» ва «75/15» рақамлари тегишли равишда «5» ва «95» рақамлари билан алмаштирилсин;

изоҳ чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишни кучайтириш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 15 декабрдаги 600-сон қарорига 2-илованинг 6-банди иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Ҳақ ундиришдан олинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузуридаги «Давбионазорат» махсус маблағларининг жорий ҳисоб рақамига ўтказилади, улардан 75 фоизи «Давбионазорат» инспекцияси томонидан республика бюджети даромадига ўтказилади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1994 йил 12 августдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида стандартлар ва ўлчов воситалари устидан давлат назорати тўғрисида низомнинг 9-бандидаги «50» ва «20» рақамлари тегишли равишда «60» ва «10» рақамлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика мева-сабзавот хўжалигида монополиядан чиқариш ва ихтисослаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 июлдаги 363-сон қарорининг 6-бандида:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Мулкчилик шаклларида қатъи назар, холдинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг бўш фойдаси қолдиқлари ҳисобига корхоналар баланси

фойдасининг бир фоизи миқдорида шартнома асосидаги ажратмалари Реконструкция ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган Нархларни бошқариш жамғармаси тўғрисида Низомнинг III бўлими иккинчи хатбошидаги «42,5» рақами «45» рақами билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 1997 й., 7-сон, 26-модда) 7-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган махсус жамғарма божхона йиғимлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тарзидаги тушумларнинг 25 фоизи миқдоридаги ажратмалар ҳисобига шакллантирилади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 1998 й., 1-сон, 2-модда) 5-бандида:

иккинчи хатбошига «(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан ташқари)» сўзлари қўшилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошидаги «20» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби 3-бандининг олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2 фоизи — идора қилиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳисоб рақамига».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 мартдаги 128-30-сон қарорининг 3-банди чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 февралдаги 54-16-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 24 февралдаги 93-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорининг 5-банди чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 13 мартдаги 124-сон қарори 8-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2001 й., 6-сон, 29-модда) 7-банди чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси тузилмасини такомиллаштириш ва 2002—2010 йилларда республика кўмир саноатини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 196-сон қарорининг 7-банди чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 14 июндаги 209-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 32-модда):

3-банддаги «75» ва «10» рақамлари тегишли равишда «95» ва «5» рақамлари билан алмаштирилсин, учинчи хатбоши ҳамда бешинчи хатбошидаги «ва Инновация илмий-техника фаолиятини маблағ билан таъминлаш жамғармасининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

қарорга 3-илованинг 6-бандидаги «75» ва «10» рақамлари тегишли равишда «95» ва «5» рақамлари билан алмаштирилсин ҳамда учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига 2-илованинг 4-бандида:

иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидаги «жарима жазолари маблағлари» сўзлари «жарима жазолари маблағларининг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарори 13-бандининг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин, учинчи ва тўртинчи хатбоши эса қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«стандартлар, метрология ва сертификатлаштиришнинг мажбурий талабларини бузганлик ҳамда давлат инспекторларининг маҳсулот сотилиши (етказиб берилиши, сотилиши)ни тақиқлаш тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларининг хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар томонидан бузилганлиги учун жарималар суммасининг 10 фоизи».

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарорининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловлари Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари томонидан ундирилади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 майдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисидаги низомга мувофиқ фойдаланиш учун табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига;

50 фоизи — республика бюджетига».

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 13 августдаги 350-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 70-модда) 8-банди чиқариб ташлансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда):

1 ва 2-иловалар 35-бандларининг 3—5 хатбоши ҳамда 3 ва 4-иловаларнинг 33-бандлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лицензиялар берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари тўлиқ республика бюджетига ўтказилади»;

5-илованинг 36-бандидаги ҳамда 6-илованинг 31-бандидаги «40» рақами «75» рақами билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 488-86-сон қарорининг 6-банди чиқариб ташлансин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

457 Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган фойдаланишга топширилаётган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган фойдаланишга топширилаётган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш жараёнини тартибга солиқ мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган фойдаланишга топширилаётган объектларнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг иссиқлик-сув таъминоти ва коммунал хўжалиги ташкилотлари балансига бепул беришда ушбу тармоқлар ва иншоотларнинг қиймати даромад (фойда) солиғини ва қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизмат кўрсатиш ва транспорт комплекси котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 октябрь,
502-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 26 октябрдаги 502-сон қарорига
ИЛОВА

**Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига
қурилган фойдаланишга топшириладиган объектларнинг
муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи
ташкilotлар балансига бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қуриладиган объектларнинг ягона буюртмачиси хизматлари (кейинги ўринларда матнда «буюртмачи» деб юритилади) томонидан фойдаланишга топшириладиган объектларнинг ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини (кейинги ўринларда матнда «ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотлар» деб юритилади) «Ўзбек-энерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг иссиқлик-сув таъминоти ва коммунал хўжалиги ташкилотлари (кейинги ўринларда матнда «хизмат кўрсатувчи ташкилотлар» деб юритилади) балансига бепул бериш тартибини белгилайди.

2. Қуйидаги муҳандислик тармоқлари ва иншоотлар хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига берилиши керак:

а) энергетика хўжалиги бўйича — 6—10 кв. электр тармоқлари, шу жумладан трансформатор пунктлари ва уларни электр билан таъминловчи юқори кучланиш тармоқлари, трансформатор кичик станциялари ҳамда марказий тақсимлаш пунктларидан чиқиш изоляторларидан бошлаб шунингдек ҳовли ва мавзе ичидаги қурилмалар (таянчлар, чироқлар, ҳаво ва кабель тармоқлари);

б) марказлаштирилган иссиқлик таъминоти бўйича — бинолар ва иншоотларнинг тақсимловчи (мавзе ичидаги ва ҳовли ичидаги) ташқи сув ва буғ тармоқлари киришидан беркитувчи задвижкалар ёки вентиляторгача, шунингдек алоҳида турган иссиқлик пунктлари ва бинолар гуруҳига иссиқликни тақсимловчи бойлер пунктлар;

в) сув қузури-канализация хўжалиги бўйича:

сув қувурларининг мавзе ичидаги ва ҳовли ичидаги тармоқлари, қудуқлар ва бошқариш узеллари камералари билан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг сув қузури-канализация ташкилотларига тегишли бўлган сув қузури линияларига уланиш жойидан бошлаб сув қузури линияси олиб бориладиган биноларнинг деворлари ва якка тартибдаги уй-жойларнинг ҳовлилари ҳудудлари тўсиқларигача, шунингдек алоҳида турган насос қурилмалари, сув олиш колонкалари ва артезиан қудуқлар;

мавзе ичидаги ва ҳовли ичидаги хўжалик-фекаль канализация тармоқлари ҳамда уларга қурилган иншоотлар, шу жумладан бинолар канализациясининг чиқиш қудуқлари (якка тартибдаги уй-жойларнинг ва ташкилотларнинг ўралган ҳовлиси ҳудуди ва уларга қурилган иншоотлардан ташқари);

г) газ хўжалиги бўйича — мавзе ичидаги ва ҳовли ичидаги газ қувурлари уларга жойлашган газ тақсимлаш пунктлари ва газ тақсимлашни бошқариш пунктлари билан биргаликда, газ тармоқлари ва суюқ газнинг ҳовлидаги идишлари, уйлардаги гуруҳ қилиб ўрнатилган газ баллонлари.

3. Қуйидаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотлар хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига берилмайди:

а) энергетика хўжалиги бўйича — ишлаб чиқариш корхоналарининг технология мақсадларидаги электр тармоқлари;

б) сув қузури-канализация хўжалиги бўйича:

бинолар ичида жойлашган суғориш ва ювиш учун мўлжалланган сув қувурлари, техник йўлақлар ва тоннеллардаги бошқа муҳандислик тармоқлари билан биргаликда;

биноларда жойлашган сув қузури қўшимча насос қурилмалари;

якка тартибдаги уй-жойлар, ташкилотларнинг ўралган ховлиси ҳудудида жойлашган сув қузури, канализация тармоқлари ва иншоотлар, сув олиш колонкалари ва қурилмалар, техник шартларга кўра улушли қатнашиш маблағлари ҳисобига қурилган тармоқлар ва иншоотлардан ташқари;

бинодан канализация қудуғигача чиқиш линияси;

в) газ хўжалиги бўйича — газ билан таъминловчи ташкилотлар томонидан техник хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган уйларнинг ичидаги газ аппаратлари (газ плиталари, таганлар, сув иситиш аппаратлари, уйларнинг ичидаги буғ қозонларини ва якка тартибдаги уйлар, квартираларни иситиш учун ўрнатилган горелкалар ва автоматлар).

4. Ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларни хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш буюртмачи томонидан молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида давлат комиссиясининг белгиланган тартибда тасдиқланган далолатномаси асосида амалга оширилади.

5. Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган, фойдаланишга топширилаётган объектни қабул қилиб олишда буюртмачи томонидан ҳар бир хизмат кўрсатувчи ташкилот бўйича балансга берилаётган ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларнинг амалдаги қиймати мажбурий тартибда алоҳида аниқланиши шарт.

6. Ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларни хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига беришда буюртмачи молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида давлат комиссиясининг далолатномасига мувофиқ берилаётган ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларга олдиндан тайёрланган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ижро этувчи ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи ташкилотларга мажбурий тартибда бериши керак.

Давлат комиссиясининг далолатномасига берилаётган асосий фондларнинг жорий нархлардаги қиймати ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг спецификацияси кўрсатилган ҳолда улар тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

7. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларни балансга қабул қилиш уларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси бўйича белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига берилаётган ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларнинг чегаралари муҳандислик тармоқлари ва иншоотлардан техник фойдаланиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

9. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларни ўз балансига қабул қилиб олгандан кейин жорий йилга ўзларининг прогноз ишлаб чиқариш-молиявий кўрсаткичларини белгиланган тартибда аниқлаштирадилар.

10. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қабул қилинган ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотлар таъминоти хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томо-

нидан кўрсатиб ўтилган ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотлардан фойдаланишдан олинган даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

11. Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобига қурилган, фойдаланишга топширилган, бироқ хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига берилмаган объектларнинг ташқи муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига бериш ҳам мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳовлиларнинг ҳудудларидан фойдаланишда қопқоқли тўйнуқларнинг сақланишини ҳамда ҳовлилар, мавзелар, кичик даҳалар ва уй-жойлар ҳудудида жойлашган сув қувурлари ва канализациянинг кўриш қудуқларига, бошқарув узелларига эркин яқинлашишни таъминлашлари керак.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

458 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
25 октябрда 1419-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 4 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 31 августда 964-сон билан давлат рўйхатидан ўтган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банкларини чоп этиладиган ҳисоботига талаблари тўғрисида низом» ўз кучини йўқотади.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари Р.А. Ғуломов зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси в.б. М. ЖУМАГАЛДИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 октябрь,
21/1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 23 октябрдан 29 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 2 октябрдаги 21/1-сон қарори.*

2004 йил 25 октябрда 1419-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 4 ноябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банкларини чоп этиладиган ҳисоботига талаблари тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (2000 йил 31 август, рўйхат рақами 964).*

Адлия вазирининг 2004 йил 25 октябрдаги 210-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.